Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Нархи 10 сўм.

1993 йил 16 июнь, чоршанба № 110 (21.461).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ, БИРОДАРИМ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЗРАТИ ОЛИИЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳе ва баракатуҳу!

Муборак Қурбон хайит бошланиши муносабати билан Саудия Арабистони Подшоҳлигининг халқи ва ҳукумати номидан ҳамда шахсан ўз номимдан Сиз ҳазрати олийларига самимий қутловлар йўллаётганимдан мамнунман.

Жамики оламни яратган қодир худодан илтижо қиламанки яна шу қутлуғ байрамга етиш насиб қилсин, Сиз ҳазрати олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, шунингдек қардош Ўзбекистон халқига ва ислом миллатимиз халқларига тараққиёт ва равнақ ато этсин.

Сидқидил табрикларимни ва миннатдорчилигимни қабул этгайсиз.

Икки муқаддас саждагоҳ ходими, биродарингиз Фахд бин Абдулазиз ал Сауд, Саудия Арабистони подшоҳи.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ, БИРОДАРИМ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЗРАТИ ОЛИИЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳе ва баракатуҳу!

Табаррук Ийд ал адҳа байрами бошланиши муносабати билан Сиз ҳазрати олийларига қардошларча самимий қутловлар ва сидқидил тилаклар йўллаётганимдан мамнунман, яна шу қутлуғ байрамга етишни насиб қилсин, Сиз ҳазрати олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, шунингдек қардош Ўзбекистон халқига ва ислом миллатимиз халқларига тараққиёт ва равнақ ато этсин, деб ҳар нарсага қодир парвардигордан илтижо қиламан.

Миннатдорчилигимни ва сидқидил табрикларимни қабул этгайсиз.

Биродарингиз Абдуллоҳ бин Абдулазиз ал Сауд.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБЛАРИГА

Тошкент шаҳри

Қурбон ҳайит байрами нишонланиши муносабати билан Сизга ва дўст ўзбек халқига шахсан ўз номимдан, шунингдек Сурия халқи номидан самимий табриклар йўллашга мушаррафман. Шу қутлуғ кунда ҳамма нарсага қодир парвардигордан Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, халқингизга ва барча мусулмонларга ялпи омонлик ва фаровонлик ато этишини тилайман.

Давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар халқларимизнинг манфаатлари йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамланиб боравериши га ишонч изҳор этмоқчиман.

Сурия Араб Республикасининг Президенти Ҳафиз Асад.
Дамашқ 1993 йил, 25 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Мусулмон халқлар муқаддас Қурбон ҳайитни байрам қилаётган кунда Сиз жаноби олийларига зўр қувонч билан чин кўнгилдан самимий қутловлар йўллашдан бахтиёрман. Сизга бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, дўст халқингизга ва жамики мусулмон миллатларига тараққиёт ҳамда равнақ ато этишини парвардигордан сўрайман.

Камоли ҳурмат ва эҳтиром ила

Миср Араб Республикасининг Президенти Муҳаммад Ҳусний Муборак.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МУҲТАРАМ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Афғонистон Ислом давлатининг ҳукумати ва шахсан ўз номимдан ислом дунёсидаги биродарларнинг ўзаро бир-бирини тушуниши ва ишониши учун асос бўла оладиган муқаддас сана — Қурбон ҳайити байрами билан сизни чин қалбдан табриклаб, самимий тилакларимни изҳор этаман.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тобора мустаҳкамланиб, минтақада ва бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлашга хизмат қилади.

Сиз, Президент жаноби олийларига сиҳат-саломатлик, халқингизга фаровонлик тилайман.

Бурҳониддин РАББОНИЙ, Афғонистон Ислом Давлатининг Президенти.
Кобул, 1993 йил 29 май.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБЛАРИГА

Тошкент

Муҳтарам Президент жаноблари.

Делегациямга ва менга кўрсатилган дўстона иззат-икром учун Сизга яна бир бор чин кўнгилдан ташаккур билдирмоқчиман. Сиз билан ва Ўзбекистон делегациясининг бошқа аъзолари билан ўтказилган музокаралар жуда мароқли бўлди. Мамлакатингизни ижтимоий соҳага қаратилган бозор иқтисодиёти асосида қайта қуриш муносабати билан вужудга келаётган хилма-хил муаммолар ҳақида муҳим ахборот олдик. Масъул маъмурлар ислоҳотларни жорий эта бошлаганларини фаҳмлашга муваффақ бўлдик.

Швейцария бу йўлда мамлакатингизни халқаро валюта жамғармаси ва жаҳон банкидаги ҳамкорлигимиз доирасида қўллаб-қувватлаш учун иложи бўлган ҳамма ишни қилади. Музокараларимиздан кейин мана шу икки муҳим ташкилотда Ўзбекистон билан Швейцария ўртасида бўлажак ҳамкорлик янада мустаҳкамланишига аминман. Иккала мамлакатимиз имзолаган иқтисодий шартнома ва сармояларни ҳимоя қилиш ҳақидаги шартнома швейцар ва ўзбек ишбилармонлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар яхшиланишига ҳам кўмаклашгусидир.

Эҳтиром ва дўстона салом билан

О. Штих, Швейцария федерал маслаҳатчиси, молия вазири.

МЕҲНАТКАШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 июнь куни Қашқадарё вилоятида бўлди. Қаршида шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят идора ва ташкилотлари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Ислом Каримов учрашувда сўзга чиқиб, Ўзбекистон ҳукумати амалга ошираётган иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишлари, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг беш асосий тамойили, мулкни хусусийлаштириш, миллий мафкурани шакллантириш масалалари хусусида гапирди. Шунингдек, вилоятда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, савдода, маиший хизмат ва бошқа соҳаларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш масалаларига тўхталди.

Ўзбекистон Президенти республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Қашқадарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. Каримов ҳамроҳлигида Яккабоғ, Қамаши, Китоб, Ғузор, Чироқчи, Шаҳрисабз, Қарши туманларида бўлиб, ғалла ва пахта майдонларини кўздан кечирди, меҳнаткашлар билан учрашди. Самимий суҳбат чоғида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, алмашлаб экишни жорий этиш, илғор технологияни қўллаш, голландияликлар тажрибасидан фойдаланиб, чорвачилик маданиятини юксалтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни яхшилаш масалалари хусусида гап борди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шу куни Тошкентга қайтиб келди.

(ЎзА).



Чўпонлар тилида шундай калом бор: қўй келади қўзи билан! Бу — етти хазинанинг бири бўлган қўй-қўзиларнинг кўпайишидан, мўл-кўлчилик бўлишидан умидвор бўлиб айтилган гап. Дарҳақиқат, чўпон отарларида қўй-қўзилар туёқ сони қанчалик кўпайса, турмушимиз тобора фаровонлашаверади, албатта. Буни дилдан ҳис қилишган Бухоро вилояти, Жондор туманидаги Амир Темур номли наслчилик, қоракўлчилик давлат хўжалигининг 4-фермаси чўпонлари айни дамларда шижоаткорлик билан меҳнат қилишаётир. Улар бу йил қўзилатиш мавсумини намунали ўтказ дилар. Ота касбини улуғлаб келаётган тажрибали ва моҳир чўпон Ориф Норов 500 бошга яқин қўйларнинг ҳар юз бошидан 101 бошдан қўзи олишга муваффақ бўлди.

О. Норовнинг режалари улкан. У ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида қарамоғидаги жониворларнинг наслини янада яхшилаш, давлатга сифатли гўшт ва жун топшириш учун астойдил бел боғламоқда.

Суратда: тажрибали чўпон О. Норов эгизак қўзичоқларни кўздан кечирмоқда.

Ҳ. ҚУРБОНОВ олган сурат.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАГА ЎТИЛИШИ АНИҚМИ?

Собиқ Иттифоқнинг ҳар бир республикаси мустақилликка эришгач, ўз тараққиёт йўлини танлаб олди. Уларнинг кўпчилиги мустақил давлатлар ҳамдўстлигига бирлашган бўлса, бошқалари, масалан Болтиқбўйи мамлакатлари, Грузия ўз чегаралари доирасида ўралашиб қолмоқдалар. Уларнинг баъзилари миллий валютага ўтишни давлатчиликнинг асосий белгиси, деб ҳисоблаб, дарҳол ўз пулини чиқарган бўлса, бошқалари рублнинг кучига ишониб, ҳозирча кутиб туришибди. Бироқ рубль макони тобора торайиб бормоқда. Украина, Қирғизистон бу макондан чиқди, Туркманистон ўз пулини жорий этишга тараддуд кўрмоқда.

Хўш, Ўзбекистоннинг нуқтаи назари қандай, у миллий валютага ўтишга тайёрми? Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг мухбири Л. Левин билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ шу ҳақда суҳбатлашдилар.

— Файзулла ака, сиз рублнинг ҳозирги ҳолати ҳусусида қандай фикрдасиз?

— Собиқ Иттифоқ ҳудудида тобора камроқ минтақалар рубль зонасида қолмоқда. Бу — яхшилик нишонаси эмаслиги равшан. Кўпгина республикалар ўз имкониятларини чамалаб кўргач, таваккал қилиб, миллий валюта жорий этдилар. Улар учун бу иш пулнинг қадрсизланиш жараёнларидан қутулиш умидида ноилож-ликдан қўйилган қадам бўлди. Дарвоқе, рублнинг ҳозирги ҳолати қандай, у тез узлуксиз қадрсизланиб боряпти, ахир! Назаримда, бу соҳада ғалати вазият вужудга келди. Турли республикаларда рублнинг «салмоғи ҳар хил». Чунончи ҳозир ўзбек рубли Россиянинг рублидан «залворлироқ», унинг харид қуввати анча юқори.

Бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ. Бу нарса рубль зонасига кирувчи давлатларнинг иқтисодий ҳолатига боғлиқ. Ўзбекистондаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий барқарорлик қуруқ сўз эмас. Шу боисдан ҳам ҳозир республикамиз пулнинг қадрсизланиш жараёнларидан бошқаларга нисбатан пухтароқ ҳимояланган.

— Бироқ, модомики, ўзбек рубли бошқалардан кўра «залворлироқ» бўлса, ўз миллий валютамиз ҳақида гапиришнинг ҳожати борми-кан?

— Ҳозирги вазиятда бизда ўз пулимизни жорий қилиш, ундан ички ва халқаро савдо-сотиқда фойдаланиш учун объектив ва субъектив шарт-шароитлар йўқ. Шундай иқтисодий қонунлар борки, уларни бузишга йўл қўйиб бўлмайди. Миллий валютага ўтиш республиканинг МДҲ мамлакатлари билан тўлов баланси ҳолатини анча ёмонлаштиради. Ўзбекистон корхоналарининг бошқа мамлакатлардаги мижозлар билан ҳисоб-китобларини қийинлаштиради. Миллий валютанинг тўлатўкис бемалол айирбошланиши таъминлангунга қадар бизга келтириладиган хомашё, тайёр маҳсулотлар учун ҳисоб-китобларни бемалол айирбошланадиган валютада амалга ошириш керак бўлади. Бу эса иқтисодиётнинг ички тузилишини танг аҳволга солиб қўйиши, четдан келтириладиган хом ашё ва материаллар асосида ишловчи юзлаб корхоналарни абгор қилиши муқаррар. Бунинг оқибатида ишлаб чиқариш пасайиб кетади, ишсизлик кучаяди.

Миллий валюта пулнинг қадрсизланиш жараёнларидан ҳимояланган барқарор, чинакам бозор иқтисодиёти шароитидагина қадрли бўлади. Ҳозирги вазиятда бизда мана шундай шароитлар ҳали яратилган эмас, бозорнинг кўмакчи соҳалари, зарур мутахассислар ҳам йўқ... Бунинг устига хорижий давлатларнинг ёрдамига, кўп миллиардли кредитларга ҳам умид боғлай олмаймиз. Ҳозир Ўзбекистон мол, молия, кредит ресурсларининг аниқ бозорлари йўқлиги сабабли миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш имкониятига эга эмас. Корхоналаримизнинг техникавий жиҳозланиши ҳам мукаммал эмас, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ҳали ҳам паст. Ички нархлар ҳам жаҳон нархларидан анча орқада қолмоқда, валюта резервлари эса унчалик кўп эмас. Хуллас, мана шу шарт-шароитлар яратилмагунча, миллий валюта республикадаги пул муомаласи тизимини тез издан чиқаради, халқ хўжалигида салбий оқибатларга олиб боради.

— Шунга қарамай, республика ўз пулини жорий этишга қизғин тайёргарлик кўрмоқда, бу— сир эмас.

— Бу ишда шошма-шошарликка ва ғала-партишликка йўл қўйиб бўлмайди. Тўғри, биз миллий валютани босқичма-босқич жорий этиш учун сиёсий ва иқтисодий соҳаларда муайян чораларни кўряпмиз. Бу чоралар мажмуи МДҲ давлатлари билан узоқ муддатли хўжалик алоқаларидан республиканинг манфаатдорлигига, бюджет камомадини иложи борича камайтириш ҳаракатларига асосланган. Шу билан бир вақтда ҳамдўстлик банклари ягона заҳира тизимини барпо этиш асосида рубль зонасидаги барча мамлакатларнинг Россия Марказий банки фаолиятига таъсири кучаймоқда. Бу — жуда муҳим. Чунки, бундай, ёндашув пировард натижада бозор муносабатларининг шаклланиши, иқтисодиётни қайта қуриш, уни аста-секин жаҳон хўжалигига қўшиш учун шарт-шароит яратишга кўмаклашади.

— Сизнингча, миллий валютани жорий этиш чоғидаги асосий салбий жиҳатлар нималардан иборат?

— Шу соҳада яна бир муҳим жиҳатни эътиборга олиш лозим. Рубль зонадан чиқишни талаб қиладиган ижтимоий-иқтисодий вазият вужудга келиб қолиши мумкин. Ана ўшанда пулнинг ошкора ва яширин қадрсизланиши жуда узоқ вақт давом этади. Асосий озиқ-овқат ва саноат моллари нархи ошади, уларга талаб кучаяди. Шунга мувофиқ равишда давлат бюджетидаги камомадни тугатиш ҳусусида қўшимча қийинчиликлар вужудга келади. Бу қийинчиликларни яна пул чиқариш ёрдамида тугатиш лозим бўлади. Дастлабки ҳисоб-китоблар шу йилнинг охирига бориб муомаладаги пул миқдори юз баравар кўпайишини кўрсатмоқда.

Ҳар қандай мустақил давлатнинг миллий валютага ўтиши, агар бу валюта бемалол алмаштириладиган бўлмаса, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни издан чиқаради, ишлаб чиқаришда, айниқса, четдан келтириладиган хом ашё, материаллар, бутлаш буюмлари салмоғи залворлироқ бўлган тармоқларда таназзулни келтириб чиқаради...

— Ана шу жараёнларнинг олдини олишга қодир бўлган самарали чоралар борми?

— Аҳоли қўлидан жуда кўп миқдордаги нақд пулни қайтариб олиш энг қийин муаммо бўлиб қолаверади, бу муаммони ҳал этиш учун республикада кўп иш қилинаяпти: уй-жойлар, саноат, савдо, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари кенг миқёсда хусусийлаштирилмоқда, заём облигациялари, бошқа қимматли қоғозлар чиқарилмоқда, хилма-хил лотереялар ўтказилмоқда.

Миллий валютани жорий этиш ёки пул ислоҳотини ўтказиш (шундай бўлиши ҳам мумкин) аҳолининг иқтисодий жиҳатдан тўғри иш юритишига кўмаклашмоғи лозим. Бу — жуда муҳим масала.

— Миллий валюта ва нарх-наво қандай бўлади?

— Миллий валютага ўтиш даври пулнинг ошкора ва яширин қадрсизланиши шароитида юз бермоқда, бу даврда корхоналарнинг раҳбарлари, ишбилармонлар, аҳолининг кўпчилиги нарх-навонинг яна оширилишини кутмоқда. Шу сабабли ҳамма ўзини маҳсулотга урадиган шароитда бугуноқ молларни ғамлаб қўйиш яхшироқ, чунки эртага у икки баравар қимматлашади. Бугунги минг сўм эртага бир сўмга айланиши ҳам мумкин, деган фикр пайдо бўлади. Хуллас, миллий валюта пулнинг қадрсизланишини кутишни келтириб чиқармаслиги лозим, аҳоли эса дарҳол бор пулига мол сотиб олишга уринмаслиги керак. Давлатнинг бутун молиявий сиёсати ана шунга қаратилиши лозим. Хўш, бунга қандай эришиш мумкин.

Урушдан кейинги Германиянинг тажрибасидан фойдаланиш мумкин, ўшанда ҳукумат айрим маҳсулотларнинг адолатли нархларини эълон қилар эди.. Кўпгина корхоналар эса муайян вақтгача, нархни оширмаслик мажбуриятини оларди. Бошқа мамлакатларда ҳукумат билан ишбилармонлар нарх-наво соҳасида келишилган сиёсат ўтказиш ҳақида битим тузишарди. Бу ҳам пулнинг қадрсизланишини жиловлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

— Миллий валютани жорий этиш Ўзбекистон аҳолисини қийин аҳволга солиб қўймаслиги учун нима қилиш керак?

— Пул тўхтовсиз айланиб тургандагина, ўз вазифасини бажаради. Бу — оддий ҳақиқат. Шу сабабли ҳар бир оила, ҳар бир харидор истеъмол бозорининг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олиб, ўз пулини оқилона сарфлаши, рубль зонасидаги давлатлардан кўпроқ моллар харид қилиши лозим. Шу йўл билан республика аҳолиси бозорни барқарорлаштиришда, рублнинг мустаҳкамлигини оширишда фаол иштирок этади.

Чамаси, пул ислоҳоти биринчи навбатда истеъмол талаби билан таклифни бир мувозанатга солиш мақсадини кўзлайди. Шу сабабли жамғарма банкларига қўйилган пулларгина алмаштирилади. Гилам остида сақланаётган пуллар эса кераксиз қоғозга айланади. Шуни ҳисобга олиб, ўзбекистонликларга пулингизни жамғарма банкларида сақланг! — деб тавсия қиламиз.

Вужудга келаётган вазият эътиборга олиниб, пул алмаштирилиши мумкин. Бунда оилалар таркиби ҳам инобатга олинади. Яъни алмаштириладиган пул миқдорини белгилаб қўйиш қоидаси жорий этилади. Ҳозирча эса Ўзбекистон рубль зонасида турибди!

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда «Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессияси якунлари ва сессияда Республика Президенти И. Каримов нутқидан келиб чиқадиган вазифалар асосида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг чоралари тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.

Анжуманда мазкур масала юзасидан маъруза қилган вилоят ҳокимининг биринчи ўриноосари Т. Каримов ва сўзга чиққан нотиқлар рўй бераётган иқтисодий силжишлар, барқарорлик ва осойишталик республика раҳбарияти томонидан олиб борилаётган доно сиёсатнинг самараси эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Сессияда кўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди. **М. КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

● *«Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллиги олдидан*

ХАЛҚ САЙЛИ ФАЙЗЛИ ЎТДИ

Андижон шаҳар Алишер Навоий номидаги истироҳат боғида отахон газетанинг 75 йиллигига бағишланган халқ сайили бўлиб ўтди. Уни Халқ демократик партиясининг вилоят ва шаҳар кенгашлари ташкил этдилар.

Карнай-сурнай, ноғора садолари чақириғига тўпланганлар ҳузурида шаҳар партия кенгашининг биринчи котибаси Зулфияхон Шокирова газетанинг шонли йўли ва меҳнаткашларни тарбиялашдаги салмоқли ҳиссаси тўғрисида маъруза қилди.

Вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Аҳмаджон Ҳакимов тўй эгаси бўлган газетанинг кўпсонли муштарийларини ҳамда ижодий жамоани муборакбод этиб, «Ўзбекистон овози»нинг бундан буён ҳам халқимизнинг севимли нашри бўлиб қолишига истак билдирди.

Шу кунги унутилмас дамларда шаҳар ва вилоят фахрийларининг намоёндалари бир гуруҳ ёшларга Халқ демократик партияси аъзолигига билетларни топшириб, уларни келгусида мустақил республикамиз истиқболи йўлида ҳормай-толмай хизмат қилишга чақирдилар.

Шаҳар партия кенгаши ҳисобидан 20 га яқин фаолларни шу йилнинг иккинчи ярми учун «Ўзбекистон овози» газетасига обуна қилиниб, шу ерда обуна варақалари эгаларига тақдим этилди. Айни пайтда шаҳардаги 12 та ташкилот, корхона ва муассаса ўз сафларида фидокорона меҳнат қилаётган ҳамда хизмати синган фахрийлардан 250 кишини «Ўзбекистон овози»га келаси йил учун 440 минг сўмга обуна қилганларини маълум қилдилар.

Оммавий сайл давомида «Ўзбекистон овози» ва унинг ўтмишдошлари тарихига боғлиқ викторина ўтказилди. Берилган саволларга энг кўп, тўғри жавоб топган фалсафа фанлари номзоди Шукур Валиев ғолиб чиқиб, пул мукофотига сазовор бўлди.

Шаҳар ўқувчиларининг шоир Нажмий қаламига мансуб «Ўзбекистон овози» босиб ўтган шонли йўл таърифтафсиф этилган шеърий лавҳасини зўр маҳорат билан ижро этганларида томошабинлар уларни қизғин олқишладилар. Шаҳардаги тўққизинчи болалар боғчаси тарбияланувчилари ижро этган ранг-баранг рақслар, қўшиқлар ҳаммани хушнуд этди.

Охунбобоев номли вилоят театрининг ҳушовоз хонандаси Абдусамад Умаров, қизиқчи Машрабжон Назаров ўзларининг ажойиб ижролари билан даврага файз киритдилар.

Вилоятда фаолият кўрсатиб келаётган Уйғур марказининг раҳбари Хосаноҳун Мусаев газетанинг кўп йиллик мухлиси сифатида унинг юбилейини табриклади ва келгуси фаолияти учун яхши истаклар ҳамда янги таклифлар изҳор этди.

Шундай қилиб Халқ демократик партиясининг вилоят ва районлар кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Ўзбекистон овози» газетасининг юбилей тантаналари Хўжаобод, Шаҳрихон, Асака районлари ҳамда Андижон шаҳрида катта байрам сифатида кенг нишонланди.

Рустам РАҲМОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

КЎЧАГА ГАЗЕТА НОМИ БЕРИЛДИ

Шу йил 21 июнда отахон газетамиз «Ўзбекистон овози»нинг биринчи сони чиқа бошлаганига 75 йил тўлади. Шу муносабат билан республика вилоятлари каби Қорақалпоғистон республикасида ҳам «Ўзбекистон овози» газетаси юбилейига тайёргарлик ишлари авж олмоқда.

Шаҳар ва районларда, давлат, жамоа хўжаликларида, шаҳар ва район партия кенгашларида, бошланғич партия ташкилотларида «Ўзбекистон овози» газетаси тарихи ҳақида суҳбатлар, гурунглар ўтказилмоқда.

Тўрткўл шаҳри меҳнаткашлари газетанинг 75 йиллигига муносиб совғалар билан келишди. Шаҳар ҳокимининг қарори билан Ленинград кўчаси эндиликда «Ўзбекистон овози» газетаси номи билан аталадиган бўлди.

Р. ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ИШЧИЛАР ҲУЗУРИДА

«Ўзбекистон овози»нинг қутлуғ тўйи арафасида саноат корхоналари меҳнат жамоалари билан тез-тез учрашувлар бўлиб турибди. Ана шундай учрашувлардан бири Чортоқ трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Янгиқўрғон филиалида бўлди. Кўп сонли ишчилар ҳузурида ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Б. Аҳадов отахон газетанинг шонли йўли ҳақида маъруза қилди. Корхона директори О. Мамасидиқов меҳнат жамоаси амалга ошираётган ишлар ҳақида гапирди. У шуни таъкидладики, «Ўзбекистон овози» корхона ишчиларининг севимли газетасидир. Ишчилардан Б. Ҳалилова, Р. Тўхтасиновалар газетани янада ўқимишли чиқариш бўйича ўзларининг таклиф ва истакларини билдирдилар. Йиғилишда ҳаваскор шоирлар ижодидан намуналар ўқилди.

Ана шундай учрашув Наманган тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонасида ҳам бўлди. Фалсафа фанлари номзоди, ХДП вилоят кенгашининг бўлим мудири А. Ҳусайиновнинг газета фаолияти ва тарихи юзасидан маърузаси зўр қизиқиш билан тингланди. «Ўзбекистон овози»нинг собиқ мухбири, ҳозирда «Ишонч» газетасида мухбирлик қилаётган О. Жуманазаров ўзининг касбдошлари ҳақидаги хотираларидан гапириб берди.

Бирлашма муҳандиси С. Маҳмудова, партия ташкилоти котиби М. Тўхтабоева одоб-ахлоқ, қонунбузарларга қарши олиб борилаётган кураш бўйича кўпроқ мақолалар бериш зарурлигини айтишди.

Ишчилар шуни таъкидладиларки, «Ўзбекистон овози» келажакда ҳам энг севимли газеталардан бири бўлиб қолаверади.

Ф. ИУЛЧИЕВ.

• *Миллий истиқлол мафкураси ҳақида мулоҳазалар*

ВАТАН ҲИССИ БЎЛМАСА ДИЛДА...

Эли суйган, халқи ардоқлаган атоқли жамоат арбоби Нуриддин Акромович Муҳиддинов кўп йиллар мобайнида хизмат тақозоси билан мустақилликка эришган қатор давлатларда бўлган, уларнинг тажрибасини ўрганган, кези келганда ўргатган ҳам. Кўпни кўрган, турли лавозимларда ишлаган, эндиликда Ўзбекистон Тарихий—маданий мерос «Ёдгорлик» жамияти раиси Н. А. МУҲИДДИНОВ билан суҳбатимиз бугунги куннинг долзарб мавзуси — истиқлол мафкураси хусусида борди. У қандай бўлиши керак? Унинг асоси, хусусиятлари қандай?

— Республика олий Кенгаши сессиясида қабул қилинган ҳужжатларда, мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг нутқида қайси соҳада ишлашимиздан қатъи назар олдимизга истиқлолни авайлаб-асраш, она юртнинг буюк келажаги пойдеворини қўйишдек улуғ вазифа юклатилди.

Гапнинг индаллосини айтганда, ҳар бир жамият, давлат ўз мафкурасига эга бўлиши лозим. Хўш янги мафкуранинг ўзи нима? Айримлар уни конституция, эҳтиёж сўзларига боғлашади. Баъзилар яна бошқача таърифлашяпти. Бу жуда жиддий мураккаб ва масъулиятли мавзу. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлагим келади. Аввало мафкура уч даврни — ўтган, ҳозирги ва келгуси замонни ўз ичига олиши керак. Ўтган даврнинг ҳар поғонасидаги ютуғу камчиликлар, баланду пастликларни чуқур ўрганиб, улардан тўғри хулоса чиқариб олиш керак. Мустақиллигимизнинг бир йиллиги тантаналарини бош майдонда кўриб ўтирганимда ёнимдаги ҳамроҳим «мен дунёга икки марта келдим, бири онадан туғилганимда, иккинчиси бугун мустақиллик нишонланаётганда» деганди. Мустақиллик, ҳуррият шунчалар эъзозли бир нарсаки, ийманмасдан, ҳаяжонланмасдан уни тилга олиш қийин. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир ватанпарвар фарзанд учун мустақиллик ҳар қанча қадрланса арзийди. Ҳозир ҳаммамиз ҳалқнинг ичига кириб, унинг юрагини очайлик-да дарди-фикрини эшитайлик. Халқнинг онгини кўтариб, унинг умидини мустаҳкамлайлик. Яна қайтараман, ҳар ерда халқнинг қулфи-дилини оча билишимиз лозим. Назаримда фуқароларнинг фикрини йиғиб, муҳокама қилиш зарур. Чунки мафкура конституция, қонун, қарорлардан фарқ қилади. Жамият, давлат бор экан, у мафкурасиз бўлмайди. Мафкура ҳар бир оила, ҳар бир кишининг юрагида бўлади. У ирода, эътиқод, ватанпарварлик, виждонни ўз ичига олади. Ўзбекистонимиз обрў-эътиборини ривожланган мамлакатлар қаторига қўйишга интилиш ва етишиш яратилажак мафкуранинг мақсади бўлмоғи лозим. Мафкура том маънода мустақил Ўзбекистоннинг ўзиники бўлиши лозим. Хулоса қилиб айтганда, истиқлол мафкурасига ҳар ким ўз ўрнида жинси, ёши, миллатидан қатъи назар, кимки ўзини мустақил Ўзбекистон фуқароси деб билса амалий иши, меҳнатининг баракаси, унуми билан ҳисса қўшиши талаб этилади. Зеро, иймон-эътиқоди бутун ўзбеклар ва барча ўзбекистонликларнинг Ватанига садоқатли бўлиши мафкурадан келиб чиқади. Умид қиламизки, жонажон Ватанимиз худди шундай мафкурага эга бўлади.

Суҳбатни оққа кўчирувчи Умида ФАЙЗИЕВА.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ТОШРАБОТ ГАЗЛАШМОҚДА

Қизилтепа районида қишлоқларни газлаштиришга алоҳида эътибор бериляпти. Айниқса, «Бўстон» давлат хўжалигида қувурлар ётқизиш, хонадонларга табиий газ келтириш жадал суратда боряпти.

Кейинги икки йил мобайнида хўжаликда 30 километрдан зиёд газ қувурлари тортилди. Натижада 650 хонадонда «зангори олов» ёнди. Жорий йилнинг ўтган даврида яна 15 километр масофага қувурлар ётқизилди. Натижада Ўзлишкент, Сарибош, Андоқ, Хўжақўрғон, Қалайиназисон қишлоқлари аҳолиси баллонли газ харид қилишдан халос бўлишди. Айни пайтда Дўрмонтепа, Оқработ, Бободови қишлоқларини газлаштириш мўлжалланаяпти.

НАВБАҲОРДА ЗАРДЎЗЛИК ЦЕХИ

Яқинда Навбаҳор район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳузурида зардўзлик цехи ишга туширилди. Янги цехда С. Жўрақулова, Д. Хидирова сингари малакали зардўзлар фаолият кўрсатишяпти.

Уларнинг ишбилармонлиги туфайли қисқа вақт ичида зарбоф тўн, келинлар зардўпписи, заррин шиппак, зарсимли қопчиқлар тикиб чиқарилмоқда. Цехда куёвлар учун миллий зар салла ва зар белбоғ тикиб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Ана шундай хизмат турларининг кўплигидан бўлса керак, ҳозир цехни кенгайтириш ва бу ерда ҳадемай ўнлаб қизлар-жувонлар унумли меҳнат қилишини таъминлаш чора-тадбирлари кўриляпти.

М. ШАРОПОВ.

КУН ТАРТИБИДА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

Урганч шаҳрида Марказий Осиё республикалари ёш табиатшунослар станциялари раҳбарлари ва етакчи мутахассисларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Унда Орол денгизи тобора қуриб, мураккаб экологик муҳит юзага келаётган ҳозирги шароитда ёш авлодни она-табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида фикр юритилди.

Муҳим мавзуга бағишланган семинар-кенгашда Ўзбекистон ёш табиатшунослар станцияси директори О. Мажидова, Тожикистон ва Туркманистон республикалари ёш табиатшунослари станциялари директорлари Р. Муҳаммадиев ва М. Оллақулиеваларнинг Орол регионидаги ҳудудларда экологик муаммоларнинг ҳал этилиши, ёш авлод ўртасида экологик таълим-тарбияни яхшилаш борасидаги тажрибалари акс этган маърузалари эътибор билан тингланди.

Анжуман қатнашчилари, шунингдек, Хива район ёш табиатшунослар станцияси, Хонқа туманидаги Усмон Носир номли, Янгиариқ туманидаги Қ. Жуманиёзов номли мактабларда ҳам бўлиб, тажриба алмашдилар.

Э. МАДРАҲИМОВ.

• *Бозор иқтисодиёти: изланишлар, муаммолар...*

ДАВР СИНОВИ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ КООПЕРАТИВ ТАЙЁРЛОВ САВДО БИРЛАШМАСИ РАИСИ ҒОФУРЖОН ҲАЛИМОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Тайёрлов ходимларининг бугунги юмушлари ва ташвишлари ҳақида гапириб берсангиз.

— Бугунги кунда деҳқон, ва ғаллакор, соҳибкор ҳосил ташвишида. Биз ҳам шу мақсадда юрибмиз: бир тарафдан омбордаги маҳсулотимизни нобуд қилмай истеъмолчига етказиш бўлса, иккинчидан эса эрта пишар маҳсулотларни тезда қабул қилиб, одамларга етказиш, айни пайтда бўлғуси ҳосилни ғамлаш ва сақлаш мавсумига тайёр туришимиз керак. Қисқаси, ишлар кўп.

— Иқтисодий танглик машаққатини енгиш осон кечмаётгандир?

— Нимасини айтасиз. Ҳақиқатан ҳам бозор иқтисодига ўтиш даврининг оғир синовлари ҳаммамизни имтиҳон қилмоқда. Лекин халқимиз, ҳаракатда — барака, деб бежиз айтмаган. Эндиликда ишламаганларнинг тишлаши қийин бўлади. Шундай бир масъул дамларда ўзимизни кўрсатишимиз, халқимизнинг кунига ярашимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Ўтган йили маҳсулот тайёрлаш ва жамғариш борасидаги ишлар қуйидагича бўлди: кўзда тутилган 211 миллион 232 минг ўрнига 576 миллион 28 минг сўмлик маҳсулот тайёрладик. Режа 272,7 фоиз бўлди. Чакана савдо режаси ҳам 175 фоизга етди. Натижада белгиланган 29 миллион 484 минг ўрнига 46 миллион 341 минг сўм фойда олиниб, бу борадаги режа ҳам 157 фоизга етказилди.

Вилоятимиз аҳолиси учун бошқа давлатлардан бартер йўли билан юз миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва қурилиш-бинокорлик хом ашёси олиб келинди. Улар орасида бугунги кунда аҳоли учун сув ва ҳаводек зарур бўлган ёғоч, тахта, шифер, цемент сингари ноёб моллар бор.

Кирим-чиқимлардан ташқари бирлашмамиз ҳисобида ҳозир 59 миллион сўм пул бор. Бу ҳозирги шароитда ҳазилакам гап эмас.

— Тайёрловчилар маҳсулот турларини кўпайтиришдан манфаатдорми ёки йўқми?

— Манфаат масаласига келганда биринчи галда тайёрловчиларни эмас, балки истеъмолчиларни ўйламоқ лозим. Акс ҳолда эл орасида обрў топмаймиз. Умуман олганда, савол ўринли. Кўпчилик кооператив тайёрлов ходимлари фақат сабзи-пиёз-у, нари борса карам ва картошка жамғаришади деб ўйлашади. Бунга қисман ўзимиз ҳам айбдормиз.

Аслида ундай эмас. Биз ҳозир деярли халқимиз учун банка маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхонамиз ишлаб турибди. Худди шундай корхона тез орада Боёвут районида ҳам ишга туширилади. Яна йил охиригача Ховос ҳамда Мирзаобод районларида ҳам консерва цехларини ишга тушириш режаларимиз бор. Яқин орада бундай фойдали кичик корхона ва цехларни ҳар бир районда, йирик хўжаликларда ташкил этамиз. Яна бир хайрли иш — Ховос районида мевасабзавот омборхонаси қурилишини бошлаб юбордик. Гулистон шаҳрида эса бозор қошида замонавий Деҳқонлар уйи барпо этилаётир. Бу тадбирларнинг бари вилоятимиз халқини мўл ва арзон озиқ-овқат, мева ҳамда бошқа халқ истеъмоли моллари билан таъминлашга хизмат қилади.

— Чорвачиликни ривожлантириш борасида ҳам ютуқларингиз бор, деб эшитдик.

— Ҳозир жами тўрт бўрдоқичилик ва қўйчилик фермамиз бор. Улардан фойда кўриб, ишлаётирмиз.

— Вилоятдаги кўпгина хўжаликлар чорвадан зарар кўряпмиз, дейишмоқда, бунга нима дейсиз?

— Бизнингча, бу — асоссиз гап. Масала — тўғрилик, ҳалолликка бориб тақалади. Мана, оддий нарса: қайси хонадон чорва молларини зарар кўриш учун боқади? Бу ўринда изоҳнинг ҳожат бўлмаса керак.

Биз ўз имкониятларимизни кўриб чиқиб, чорвачиликни ҳар тарафлама ривожлантиришга аҳд қилдик. Шу мақсадда вилоятимиздаги ҳар бир районда биттадан қорамолчилик, бўрдоқичилик фермасини ташкил этишни режалаштирдик. Агар шунга эришсак, бу ҳар тарафлама фойдали ва хайрли иш бўларди. Ҳам чорва маҳсулоти кўпаяди, ҳам даромад. Фақат биз жойлардаги ҳокимларнинг ер ажратиш борасидаги ёрдамларига муҳтожмиз. Улар бизга ёрдам қўлларини чўзсалар, айни муддао бўлар эди.

— Яна қандай муаммоларга дуч келяпсизлар?

— Биз ҳам хусусийлаштиришни бошлаб юбордик. Жами 200 дан ортиқ дўкондан 97 таси хусусийлаштирилди. Минг кишилик жамоамиз 150 кишига камайди. Энди биз ишлаб чиқариш манфаатларини ўйлаган ҳолда бу ўринларни тўлдиришимиз керак. Токи хусусийлаштириш ҳам давом этсин, жамоамиз ҳам бундан зарар кўрмасин.

Биз учун яна бир муаммо — эрта пишар мева ҳамда маҳсулотларни чиқимсиз саранжомлаб олиш, эл дастурхонига етказиш ҳамда бундан фойда кўриш. Бу борада кўп ишлар қилишимиз керак. Чунки ҳар йили эрта пишар маҳсулотлардан деҳқон ҳам, биз ҳам кўплаб зарар кўрамиз.

Қолаверса, асосий бойлигимиз — кузнинг катта ва улкан, баракали ҳосилига ҳозирдан пухта ҳозирлик кўришимиз керак. Мақсадимиз — эл дастурхонининг мўл-кўллиги, арзончиликни таъминлашдир.

Мулоқотни Абдужалил УМАРОВ олиб борди.

• *ХДП ҳаётидан*

ҲАМЖИҲАТЛИК

Самарқанд вилояти меҳнат жамоаларида, партия ташкилотларида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан мустақил республика миллий истиқлол мафкурасини яратиш юзасидан бошланган тадбирларга бағишлаб йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Қўшработ районидаги «Урганжи» давлат хўжалиги фаоллари бундай мафкура албатта зарур дея таъкидладилар. ХДП район кенгашининг биринчи котиби Т. Шарипов республика раҳбариятининг оқилона сиёсати ва партиямизнинг миллий истиқлол мафкурасини яратишдаги ташаббускорлигига алоҳида тўхталиб ўтди. ХДП аъзолари, — хўжалик директори Фазлиддин Абдуалимов, устахона бошлиғи Раҳмиддин Муҳамматов ва бошқалар мулоҳаза билдиришди.

Тойлоқ районидаги Ўзбекистон ветеринария илмий тадқиқот институтида эса бундай йиғилиш жуда жонли ўтди.

— Тўғри, мафкура бир — икки кунда, бир-икки йилда юзага келмайди, — деди институт партия ташкилоти котиби профессор Ҳ. Салимов. — Лекин Халқ демократик партияси ҳозирданоқ ана шу мафкура пойдеворини яратишда ташаббускорлик, фаоллик кўрсатиши зарур.

Йиғилишда район партия кенгашининг иккинчи котиби М. Имомқулов ХДП фаолиятининг муҳим қирраларига тўхталиб ўтди. Дарвоқе, ўша куни институт олимларидан тўрт киши ХДП аъзолигига қабул қилинди. Шу билан бошланғич партия ташкилоти сафи 22 кишига етди.

Ф. ТЎШЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

САФЛАР КЕНГАЙМОҚДА

БАҲС ҚИЗИҚАРЛИ КЕЧДИ

Сурхондарё. Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг Қум қўрғонда бўлиб ўтган ижроия бюроси шу район кенгашининг молиявий хўжалик фаолияти ва аъзолик бадалларини тўлашнинг аҳволи ҳақидаги масалани муҳокама қилди. Шу мавзуда тайёрланган маърузадан ҳам кўра ҳозир бўлганларнинг савол-жавоблари ва музокаралари қизиқарли кечди. Бошланғич ташкилотларнинг котиблари партия раҳбарларининг диққатини шу куннинг муҳим масалаларига торта билдилар, Улар партия ташкилотлари ўз ички ишлари билан ўралашиб қолмасдан халқнинг дарду-ташвишларини елкасига олиш вақти келди. деган фикрни билдирдилар.

Бюро йиғилишида ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Х. Э. Эрматов қатнашди.

О. УСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ИСМИ-ЖИСМИГА МОС БЎЛСИН

Грузин ёзувчиси Нодар Думбадзенинг «Абадият қонуни» асарида шундай лавҳа бор. Қишлоқ кенгашининг биноси аҳолининг ҳашаматли уйлари олдида кўримсиз, мунғайиб турибди. Бу кичик кўринишдан иқтидорли қалам соҳиби катта хулоса ясайди. Одамлар қишлоқ кенгашини назар-писанд қилмаслиги боиси, балки шундандир дейди у.

Фарғона вилоятининг Данғара туманида прокуратуранинг янги муҳташам биноси қад ростлаганини кўриб хаёлимга Нодар Думбадзенинг фикри келаверди.

— Иқтисодий қийинчиликларга қарамай бу бино қурилиши учун 14 миллион сўм сарфланди, — дейди туман прокурори Акбаржон Азизов. — Унинг қурилишига маблағ топиб беришда бизга вилоят ҳокимлиги катта ёрдам берди. Ҳуқуқ-тартибот органлари нуфузини оширишга маблағ аямаётган экан, биз ҳам шунга яраша масъулият билан ишлаб, жавоб қайтарамиз. Токи қонун, адолат ҳар соҳада устивор бўлсин.

Данғара прокуратураси вилоят ҳуқуқшуносларининг ўқув-услубий маркази, деб эълон қилинди. Шу ўринда эски бинодан янгисига кўчиб ўтишда қандайдир рамзийлик бордек. Сабаби — вилоятда прокурор назорати анча сусайиб кетганди. Вилоят прокурори табиатидаги юмшоқкўнгиллилик ишга салбий таъсир кўрсатаётганди. Бу ўз навбатида шаҳар ва туман прокурорлари фаолиятига соя ташларди.

Эски бинодан янгисига кўчиб ўтилди. Зора, эскича иш услублари ҳам унутилса.

Ш. ИСРОИЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Шахсий фикр*

САВДОНИ КИМ ТЕКШИРАДИ?

Дарҳақиқат, ким текшириши керак савдони? Бундай қараганда назоратчиларнинг сонсаноғи йўқ. Аммо савдода тартиб-интизом кундан кунга ёмонлашиб бормоқда. Ҳар ким ўзи билганича нарх қўяди. Маҳсулотлар баъзан омборлардан тўппа-тўғри олиб-сотарнинг қўлига тушади. Савдо маданияти пасайиб кетаяпти.

Хўш, бу аҳвол учун ким жавоб бериши керак? Минг афсуски, бу савол ҳамон муаллақ қолиб кетаяпти.

Яқинда газетада Украина ва Қозоғистонда истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоялаш комитети борлигини ўқиб қолдим. Нега бизда ана шундай маҳкама йўқ? Ахир қачонгача харидор ҳуқуқи поймол этилади?!

Тўғри, давлат назорати ёки иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси ҳар икки-уч ой давомида у ёки бу дўконни текшириб қўяди. Аммо бутун тармоқни назорат қилишга уларда имкон йўқ. Илгари бу ишни савдо инспекцияси бажарар эди. Эҳтимол, ўша инспекцияларни тиклармиз ёки бошқа қўшни республикалардаги сингари истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилиш комитетларини тузармиз. Агар савдо концерни бу ҳақда жиддий бош қотириб, чора кўрса нур устига аъло нур бўлар эди.

Зайниддин САИДОВ, меҳнат фахрийси.

МАКТАБНИ ТАЪМИРЛАШГА ҲОМИЙЛИК ҚИЛИНМОҚДА

Нукус шаҳри мактабларида сўнгги қўнғироқ чалинганига ҳам кўп вақт бўлмади. Лекин барча мактабларда, мактабгача болалар муассасаларида янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари қизитиб юборилди. Кўпчилик мактабларда, болалар боқча ва яслиларида капитал ва жорий ремонт ишлари бошланди. Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтилаётган бир пайтда нарх-наволарнинг ҳаддан ташқари кўтарилиб бораётганлиги, бунинг устига ёғоч, тахта, шифер, бўёқ, цемент, ойна, мих каби қурилиш материалларини топишнинг ўзи амри маҳол бўлиб қолди.

Бундай қийин аҳволда умумий таълим мактабларини, болалар боқча ва яслиларини ремонт қилишда қаердан қандай ёрдам бўлиши мумкин, деган масала шаҳар мактабларида долзарб масала бўлиб қолди. Бунга Нукус шаҳар қурилиш материаллари комбинати бошланғич партия ташкилоти ва унинг ХДП аъзолари лаббай деб жавоб бердилар. Бу масала комбинатда партия умумий йиғилишида кўриб чиқилди. Муҳокамага қўйилган масалани комбинат жамоаси бир овоздан маъқуллади. Комбинат директори Ж. Амиралиев, бошланғич партия ташкилоти котиби С. Жанашев мактаб ва болалар боқча-яслиларга ҳомийлик қилиб тежалган электр энергия ва қурилиш материаллари ҳисобига 50 тонна оҳак ва бошқа қурилиш материалларидан ёрдам беришга қарор қилдилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.







Яқинда Ўзбекистон пиллакорлари мураккаб об-ҳаво шароитига қарамай ўз сўзлари устидан чиққанлари ҳақида хабар қилган эдилар. Улар режадаги 28 минг тонна ўрнига 28,5 минг тонна пилла топширдилар. Энди навбат ана шу ҳосилни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот яратишга.

Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли халқ корпорацияси аъзолари маҳсулотни тайёрлашдан тортиб, уни тайёр газламага айлантиришдек мураккаб вазифани аллақачон уддалай бошлашган. Умуман хўжалик бўйича 9 минг 300 килограмм хом ашё тайёрланди. Ана шу маҳсулотнинг 25 фоизи хўжаликда қолдирилди. Хом ашёнинг асосий қисми шу ернинг ўзида дастлабки ишловдан чиқарилади. Иш эса ўз навбатида бўёқ цехига ўтказилади. Ундан кейин тўқувчилар цехида иш қизийди. Моҳир тўқувчилар хом ашёни қисқа муддатда хонатлас, беқасам, крепдешин ва бошқа газламаларга айлантирадилар. Бундан хўжалик катта даромад олмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Моҳир пиллакор Насиба Ҳожибоева. 2. Пилла дастлабки ишловдан чиқарилмоқда. 3. Цехда ишлаб чиқарилган дастлабки хонатласлар. «Ипак» фирмаси раҳбари Жаҳонгир Қосимхўжаев тўқувчилардан Назира Бўтабоева ва Ҳидоят Бойжигитова билан хонатлас сифатини кўздан кечирмоқдалар.

ХОМ АШЁДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТГАЧА

А. МАЛЬЦЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон матбуоти
1918 ЙИЛДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА

МЕҲМОНИМИЗ

Шу йилнинг июль ойида журналистлар, ноширлар, матбаачилар, телерадио ходимлари, ишчи-деҳқон мухбирлари ва ТошДУ журналистлар факультети талабаларининг яккаю-ягона матбуот нашри ҳисобланган «Ўзбекистон матбуоти» журналининг чиқа бошлаганига 75 йил тўлади. Республикамизнинг энг қўхна нашрларидан бири бўлган бу журналнинг биринчи сони 1918 йил 15 июлда Тошкентда «Туркистон матбаачиси» («Туркестанский печатник») номи билан чоп этилган эди.

Яқинда босмадан чиққан журналнинг 5—6 сони асосан «Ўзбекистон овози» газетасининг 75 йиллик тўйига бағишланган. Қуйида биз журналда босилиб чиққан айрим мақола ва хабарларни қисқартирган ҳолда сиз азиз муштарийлар эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.

• *Матбуот-тарих кўзгуси*

МОЗИЙ ЛАВҲАЛАРИ

Пахта мустақиллиги учун кураш даврида «Правда» рўзномаси ВКП (б) Марказқўми номидан Ўрта Осиё жумҳуриятлари матбуотини, жумладан Ўзбекистондаги рўзномаларнинг пахтачиликка доир фаолиятини қаттиқ назорат остига олди. «Правда» Марказқўмнинг нашри мавқеидан фойдаланиб, ўзбек матбуотини, айниқса, унинг етакчи намояндаси — «Қизил Ўзбекистон» рўзномасини арзирарзимасга тергаш, силташ, унга зуғум ўтказиш билан шуғулланди, уни «пахта мустақиллиги» учун чинакам кураш олиб бормаётганликда айблади. «Правда» 1932 йил март ойида эълон қилган «СССР пахта мустақиллиги учун» сарлавҳали навбатдаги матбуот обзорида «Қизил Ўзбекистон» газетасининг СССР пахта мустақиллиги учун курашдаги фаолияти ва сурункали курашуви етарли эмас», деб таъкидлаш билан кифояланмай, ВКП (б) Марказқўми Ўрта Осиё бюроси ва Ўзбекистон Коммунистлар партияси Марказқўмини «Қизил Ўзбекистон» рўзномаси раҳбариятини ўзгартиришга ундади. «Правда» амал қилган адолатсизлик ва зўравонлик йўлини қуйидаги парчадан яққол пайқаш мумкин:

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг бошқармасида қаттиқ ва маҳкам кишилар ўлтирарди. «Қизил Ўзбекистон» ишларининг системасида ҳеч нарса ўзгармади. Газетада унинг хатоларини ўзаро танқид асосида оча билатурғон ва уни Ўзбекистон партия ташкилотининг чинакам большевистик раҳбарлигини таъмин қилиш учун тағин ҳам қатъийроқ ва тағин ҳам радикал чоралар кўриш учун аллақачонлар вақт келди».

«Правда»нинг асабга тегувчи мақолаларидан сабр-тоқати тугаган «Қизил Ўзбекистон» журналистлари жамоаси 1932 йил 14 март куни ўз газеталарида «Бошқармадан» сарлавҳали мақола чоп этиб, унда «Правда»нинг матбуот обзорида холисона танқид йўқ, деб айтишга ботиндилар. Рўзнома жамоаси, партия ташкилоти бир оғиздан маъқуллаган бу мақолада «Қизил Ўзбекистон» таҳририяти ўзини ҳимоялаб қуйидагиларни ёзган эди:

«Қизил Ўзбекистон» оперативлик ва бошлаган ишни охирига етказишда керакли даражага эришмаганлиги ҳақида «Правда»нинг обзоридаги кўрсатмаларнинг тўғрилигини эътироф этиш билан бирга қуйидагиларни таъкидлашни лозим топади. Обзорда «Қизил Ўзбекистон» ўтган йил саболқларига бағишлаб биронта ҳам мақола бермади, дейилади. Бу ерда ўтган йил пахта тайёрлаш даврида рўй берган ўпирилишларнинг сабаблари ҳақида сўз боради. Бу кўп ҳам тўғри эмас. Дуруст, ўтган йил саболқлари ҳақида махсус айрим мақолалар босилмади. Лекин Ўзмарказқўм ва Марказий Контроль комиссияси Октябрь Пленумининг якунига бағишлаб 27 январда босилган ўртоқ Файзулла Хўжаевнинг докладида, ўртоқ Файзулла Хўжаев томонидан мухбирларнинг жумҳурият кенгашида қабул қилиниб, 3 мартда босилган докладида, «Правда»нинг 4 март сонидан кўчириб босилган бош мақоласида ва улардан бошқа жойлардан келган қатор ҳабарларда пахта тайёрлашда ўтган йили рўй берган камчиликлар сабаблари мукаммал ва аниқ кўрсатилгандир».

«Қизил Ўзбекистон» журналистларининг бу журъатлари улар учун жуда қимматга тушди. Партия Марказқўмининг бош рўзномаси билан мунозара қилишга ботинган «исёнкор»ларнинг адабини бериб қўймоқ мақсадида дарҳол ЎзКП (б) Марказқўмининг махсус қарори чиқартирилди. «Эътироф этилсинким, — дейилади бу қарорда, — «Қизил Ўзбекистон» бошқармаси ўзининг «Правда» обзорига берган жавоби билан ВКП (б) Марказий Комитетининг марказий органи билан мунозарага киришиб сиёсий хатога йўл қўйди». Мазкур қарорга кўра «Қизил Ўзбекистон» рўзномасининг бош муҳаррири Мўминжон Усмонов бошчилигидаги раҳбарияти ишдан олинди.

Мўминжон Усмонов «Қизил Ўзбекистон» рўзномасига 1932 йилнинг январида муҳарир этиб тайинланган эди. М. Усмонов муҳаррирликдан четлатилгач, бошқа вазифаларда хизмат қилди. 30-йилларнинг охирида, оғир жиноятга қўл урилди. 1937 йилнинг 3 сентябрь куни Мўминжон Усмонов давлат хавфсизлиги ходимлари томонидан ҳибсга олинди. Кўплар қатори у ҳам ноҳақ миллатчиликда айбланди. Тергов материалларида кўрсатилишича, гўё у аксилинқилобий «Миллий истиқлол» ташкилотининг аъзоси бўлган эмиш, шу ташкилот топшириғига биноан мафкура соҳасида зараркунандалик билан шуғулланган эмиш. 30-йиллардаги ялпи қатағон даврида қамоққа олинган зиёлиларимизнинг ҳаммасига мана шунақа уйдирма айб тўнкалган. 1938 йилнинг октябрида Мўминжон Усмоновга «халқ душмани» тамғаси босилиб, отиб ўлдиришга ҳукм қилинди. Белида кучи, юрагида ғайрати жўш урган бир пайтда унинг азиз умри хазон бўлди. У бор-йўғи эндигина 34 баҳорни кўрган эди. Тоталитар тузум ҳукмронлиги даврида жумҳуриятимиз қаламкашлари бошига тушган кулфатлардан гувоҳлик берувчи бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Демократик тартиб-қоидалар ўрнига мажбур қилиш ва қатағон усулларидан фойдаланиш кенг тус олган жамиятда шундай бўлиши табиий бир ҳол эди.

Тоҳир ПИДАЕВ.

• *Барҳаёт сиймолар*

УСМОН ЮСУПОВ НАЗАРИ ТУШГАН МУҲАРРИР

Етмиш беш йилдан буён ҳаётимиз кўзгуси бўлиб келаётган отахон газетамиз «Ўзбекистон овози»нинг қутлуғ юбилейини кутиб олиш олдидан бир гуруҳ собиқ муҳаррирлар билан учрашув ўтказилганди. Уларнинг дил сўзлари газетада босилиб чиқди. Газетанинг узоқ йиллик фаолиятида ёркин из қолдирган Сулаймон Азимов, Сиддиқ Ражабов, Иброҳим Раҳим, Зиёд Есенбоев, Мақсуд Қориев, Лазиз Қаюмов, Расул Раҳмоновларнинг қизиқарли хотиралари мухлислар эътиборини ўзига тортиши, мушоҳада юритишга ундаши табиий эди...

Уруш даврида жумҳуриятимизнинг етакчи сиёсий газетаси бўлган «Қизил Ўзбекистон»га (ҳозирги «Ўзбекистон овози»га) муҳаррирлик қилган ажойиб инсон Сиддиқ Ражабов билан юзма-юз суҳбат қуриш ниятида у киши ҳузурига йўл олдим. Саволимиз саксон учинчи баҳорни қаршилаётган отахон журналистни олис хотиралари сари етаклаётгани ўйчан чеҳрасидан кўриниб турарди.

1941 йил июль ойи охирларида Сиддиқ Ражабовни Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиби Абдураззоқ Мавлонов чақиртиради. Юзма-юз суҳбатда унинг институтдаги, комсомолдаги, кўп нусхали газета чиқаришдаги ишлари билан танишлиги ҳақида гапирган котиб, «Сизни раҳбарлик лавозимига тавсия қилишни лозим топдик» дейди ва икки кундан кейин республика раҳбари Усмон Юсупов қабулига келиши кераклигини тайинлайди.

Қабулга айтилган вақтда — кечқурун соат 23.00 да етиб келади. Бироқ... Дунё ўт-олов ичида қолган, юзлаб миллат ва элатлар тақдири ҳал бўлаётган, қонли уруш авжи палласига чиқаётган бу даврда ҳукумат уйлари, Марказқўм биноси арининг уясидек бўлиб ётар, шу кунларда фронт ортида зудлик билан қилиниши зарур бўлган ишлар ҳал этиларди. Юртбошининг қабулхонаси тирбанд. Ҳарбийлар, турли тоифадаги маҳаллий раҳбарлар ва ҳоказо кишилар Усмон Юсупов қабулига киришга навбат кутишмоқда. Боз устига ўша куни қабулга таклиф этилган бошқа кишилар ҳам бирин-кетин кириб келишарди.

Кабинет ичкарисида қандай манзара ҳосил бўлаётганини ўша даврда тасаввур қилиш қийин эмасди. Усмон ота ўта сиполик ва айни вақтда ишчанлик билан ўз ишида давом этар, гоҳ телефонда узоқ гаплашиб қолса, гоҳ навбати билан ҳузурига кирган кишилар билан мулоқотда бўларди. Ўша тунда тонгга яқин соат 3.00 да Сиддиқ Ражабов ҳам Усмон ота қабулига киришга муяссар бўлди. Қуюқ сўрашиб, ҳол-аҳволию ташвишлари ҳақида бафуржа суриштириб ўтиradиган пайт эмасди. У. Юсуповнинг биринчи айтган гапи шундай бўлди: «Ўртоқ Ражабов, биографиянгизни биламиз, институт ҳам яхши характеристика берибди. Сизни «Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳаррирининг ўринбосарлигига тайинламоқчимиз». «Ишончингиз ва илтифотингиз учун ташаккур, — деган эди ўшанда С. Ражабов ҳаяжонга тушиб. — Аммо бу катта газетада ишлаш менга қандоқ бўларкин!..»

Усмон ака тин олди. Бир зум хаёлга чўмиб секин гапирди:

«Ўзбек халқи ажойиб ёзувчи, олим ва зиёлиларига эга эди. Мудҳиш 1933—37 йиллар халқимиз, юртимиз бошига қанчадан-қанча мусибатларни келтирди... Буни қарангки, ҳали мафкура ишини, кадрлар масаласини ҳал этишга улгурмай туриб, бу ёқда Улуғ Ватан уруши бошланиб кетди. Қанчадан-қанча ажойиб кишиларимизнинг бошига етяпти бу уруш. Сизга ишонамиз. Ёшсиз. Газетачилик ишини ҳам мукаммал ўзлаштириб олишингизга ва партия Марказий Комитети органида сабот билан ишлашингизга ишонамиз».

Эртаси куниёқ С. Ражабов муҳаррир муовини бўлиб ишга киришди. Ўша кезларда газетанинг масъул муҳаррири Ҳожиакбар Ғуломов эди.

Уруш урушлигини кўрсатиб, Ўзбекистонда кўпгина нашрлар чиқарилиши вақтинча тўхтатилган эди. Ягона ижтимоий-сиёсий газеталар — ўзбек тилида «Қизил Ўзбекистон» ва рус тилида «Правда Востока»гина чиқиб турарди. Бу пайтлар миллий газетамизни чиқаришда жуда кўп қийинчиликлар кўндаланг турарди. Аввало, ТАСС, УзТАГ ва бошқа ахборот марказларидан хабарлар асосан рус тилида келарди. Таҳририятга келаётган хатларнинг аксарияти ҳам русча эди. Уларни бутунлай ўзбек тилига таржима қилиш ва ҳоказо юмушлар асосан муҳаррир ўринбосари зиммасига тушарди. Боз устига, ўша кезлари босмахона иши ҳам жуда мушкул аҳволда эди. Оддий ҳарф терувчи, линотипда ишловчи кадрлар етишмасди.

Муҳаррир ўринбосари лавозимидаги бир йиллик фаолият Сиддиқ акага катта мактаб бўлди. У киши газетачилик машаққатини ҳис қилган, зарурат бўлса, бу соҳада хоҳлаганча ишлаши мумкин бўлиб қопган эди. Бироқ, бир йилдан сўнг уни Марказқўмга ишга олишди. Тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири ўринбосарлигига. У киши бу лавозимда республикамизда илм-фан, адабиёт, санъат, матбуот, маориф, оғзаки тарғибот ва ташвиқот, маданий-оқартув ишларни билан шуғулланарди.

1943 йилнинг апрель ойида Ҳожиакбар Ғуломов Тошкент обкомига мафкуравий ишлар бўйича котиб бўлиб сайлангандан сўнг С. Ражабовни Марказқўм бюроси «Қизил Ўзбекистон» газетасига масъул муҳаррир этиб тасдиқлади.

— Ўша бюро йиғилишида Марказқўмнинг биринчи котиби Усмон Юсуповнинг гаплари сира ёдимдан чиқмайди, — деб хотирлайди Сиддиқ ака. — У киши менга қайта разм солиб туриб шундай деган эдилар: «Сиддиқ Ражабовни барчамиз яхши биламиз. Унга ишониб, газетанинг муҳаррир ўринбосари вазифасини топширган эдик, ўзини кўрсатди. Қўмитада ишлатдик, вазифасини оқлади. У назарий жиҳатдан пухта билим эгаси. Ташкилотчилик қобилияти ёмонмас. Газета масаласига келсак, ҳозир «Қизил Ўзбекистон» зиммасида катта масъулият турганини яхши биласизлар...»

Шундай қилиб урушда туб бурилишлар бўлаётган даврда Сиддиқ ака масъул муҳаррир лавозимига тасдиқланди. Ўша кезлар инсон эртанги тақдири нима бўлиши мумкинлигини билиши қийин эди. Ҳар куни кўплаб Ватан ҳимоячилари қатори раҳбар ходимлар, зиёлилар ҳам ҳеч иккиланмай урушга кетаверар эдилар. Янги масъул муҳаррир этиб тайинланган С. Ражабовнинг ўринбосари йўқ эди. Шунинг учун у тезроқ қобилиятли ёшлар ҳисобига бўлса-да кадрлар ўрнини тўлдиришга киришди. Таҳририят мафкура бўлимига мудирлик қилаётган талантли журналист Рихси Саҳибоевнинг аҳлоқи, одоби, қалам тебратишини ҳисобга олиб, уни ўзига ўринбосар қилиб олишни мўлжаллайди ва масалани Марказий Қўмита бюросига кўяди. Забардаст журналист Р. Саҳибоевнинг муҳаррир ўринбосари бўлиши Сиддиқ акага ҳам мадад, ҳам таҳририят ишлари жонланишига ўзга хос имконият эди...

Отахон ўша жўшқин даврларни эслаб, бугунги ҳаёт билан таққосларди. У кишининг муддаоси: матбуотда ҳам бошбошдоқликка йўл қўймаслик эди. Ҳаёт кўзгуси бўлган газетанинг роли, жанговарлиги оширилса, юрт обод бўлади, халқ нурли йўлдан оғишмай, олға сари кетаверишни мумкин, деган эди у киши сўнгги суҳбатларнинг бирида. Афсуски, шундай кунларни кўриш, «Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишланган учрашувда қатнашган Сиддиқ Ражабовга тўйда иштирок этиш насиб этмади... Гарчи, у киши оламдан ўтган бўлса-да, эзгу ниятлари вожиб бўлажак, атоқли арбобимиз Усмон Юсуповнинг назари тушган муҳаррирнинг порлоқ хотираси ёдимиздан асло чиқмайди.

Тўлқин ЭШБЕК.

УСТОЗЛАР ЁДИ

(«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ МАРҲУМ ЖУРНАЛИСТЛАРИНИ ЭСЛАБ)

Бу газетда Акмал Икром ишлаган,
Ундан қолди яхши хислат, яхши от.
Бу газетда Шароф Рашид ишлаган,
Унинг руҳи сўнмас тирик, барҳаёт,

Қодирийлар, Чўлпонларнинг асари
Газетага файз киритиб безарди.
Ғафур Ғулом шеъри чиққан кезлари
Хурсанд бўлиб хиёбонда кезарди.

Ойбек домла, Ҳамид Олимжон суюб,
Газетани «Отахон» деб атарди.
Янги асар ёзишсалар энг аввал
Дебочасин унда эълон этарди.

Бу газетда Авлонийлар изи бор,
Машҳур бўлган Аъзам Аюб журъати.
Эли юртни лол қолдирган неча бор
Комил Али фельетонин қудрати.

Худди шулар таълимини олишди
Бизга устоз, бизга мумтоз кишилар.
Садоқатга тимсол бўлиб қолишди,
Марҳумлари тирикдайин туюлар.

Холбек Ёдгор номи ўчмас диллардан,
Сабоқлари мактаб эди чинакам.
У қолдирган мерос — «Нурли йўл»лардан
Ўрганмаган матбуотчи жуда кам.

Ҳабиб Нуъмон очерклирин ўйласам,
Шаънга тўлиқ бир қаламни кўраман.
Қиссаларин, романларин ўқисам,
Фахр ҳиссин қалб-қалбимдан туяман.

Маъруф Назар меҳр билан ёзганлар
Орден тақиб рағбатлардан яйради.
Устоз бундан мамнун бўлгани чоғлар,
Ғазал ёзди, булбул бўлиб сайради.

Самад Қодир қодир эди ҳар ишга,
Бир ҳамлада саҳифалар битарди.
Ёзганлари манзур бўлиб барчага,
Газетамиз обрўйини кўтарди.

Абдукарим Абдуфаттоҳ ўғлининг
Ҳозиржавоб иқтидори зўр эди.
Таржимаю таҳлилларнинг пирининг
Атрофида шогирдлари мўл эди.

Уткир ака синчков эди жудаям,
Илмий очерк мазмун эди умрига.
Фожиали ҳаётини ўйласам,
Вужудимни тирнар бир сўз, бир «Нега!»

Уктам Усмон ўктам эди ҳаётда,
Ижод қилса, жўшиб, қайнаб кетарди.
Аммо, афсус, эрта кетди оламдан,
Таскин берар «Гирдоб» деган ҳайкали...

Марҳум ёдин эъзозламоқ бурч, одат,
Ёдламоқлик бир кун эмас — ҳар доим.
Муддаоми, сўз сўнггида тиловат:
Устозларни раҳмат қилсин худойим-

ЮСУФ АЛИ.



СУРАТДА: «Ўзбекистон овози»нинг вилоят мухбирлари.

СУЯНГАН ТОҒИМИЗ

● Ҳа, вилоят мухбирларимиз газетанинг суянган тоғи, ишонган боғи. Улар ижодий жамоанинг жойлардаги кўзқулоғи.

Вилоят мухбирлари билан ишлаш бўлимининг хоналарида эртадан кечгача телефон жиринги тинмайди, десам муболаға эмас. Ҳали Навоийдан Музаффар Шаропов, ҳали Қорақалпоғистондан Реимбой оға Ешимбетов қўнғироқ қилишади. Мана, ҳозир чамамда, Фарғонадан оқсоқолимиз Рустам Раҳмонов телефон қиляпти.

Касбимиз хотиржамликни ёқтирмайди. Уни бошдан-оёқ жонсараклик деса ҳам бўлади Улар барча ҳодиса ва воқеалардан хабардор бўлмоқлари шарт. Бунинг уддасидан чиқишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун райондардаги, вилоятлардаги ташкилотларнинг раҳбарлари билан ишчан ва самимий алоқа ўрнатилган бўлиши талаб қилинади.

Газетанинг вилоят мухбири — ўхшатиш жоиз бўлса, ижодий жамоанинг ўша жойдаги фавқулодда ва мухтор элчиси. У ким билан гаплашмасин, кимга мурожаат қилмасин, «Ўзбекистон овози»дек табаррук ва улуғ даргоҳ номидан сўзлаётганини доимо ички бир туйғу билан ҳис этиб туради. Юриш-туришда ҳам, кишилар билан муносабатда ҳам шу туйғу ҳукмрон.

Улар қачон туради, қаерда бўлади, кимлар билан учрашади, нималар ҳақида суҳбатлашади — буларнинг барчасини улардаги масъулият ҳисси, касбга бўлган меҳр, газетанинг юксак ишончи, имон ва эътиқод ўзига хос тарзда назорат қилиб туради. Биз уларни куннинг исталган пайтида, баъзан эса тунлари ҳам безовта қиламиз, касбимиз тақозоси шуни талаб қилади. Айрим ҳолларда шу сонда кетаётган уларнинг мақоласидаги бирор ҳолатни қўшимча равишда аниқлаш зарурати туғилади, баъзан эса раҳбарият томонидан ўта шошилинч топшириқ бўлиб қолади.

Мухбирларимизнинг уйдагилари ҳам бундай беҳаловатлик ва жонсаракликка ўрганиб қолишган. Овозимизни эшитишлари билан «ҳозир чақирамиз» дейдилар, «элчимиз» уйда бўлмаса, худди бизнинг штатдаги ходимлардек, «қандай топшириқ бор, мен ҳозир ёзиб оламан!» дейишади. Барака топишсин! Мухбирнинг ҳолати, масъулияти, вазифасини тўғри тушунганликлари учун оила аъзоларига раҳмат!

Кейинги пайтда газета йўналишида рўй берган ўзгаришлардан муштарийларнинг, кенг жамоатчиликнинг хабари бор. Раҳбарият томонидан кўрилаётган чоралар туфайли «Ўзбекистон овози» ўша, етакчи матбуот органи, отахон газета номига лойиқ ўз юксак мавқеини тиклаш борасида қатор ўта жиддий ва салмоқли чиқишлар қилди. Жамоамиз буларнинг ҳаммасини катта ва савобли ишларнинг дебочаси, деб ҳисобламоқда...

Қашқадарё вилояти бўйича мухбиримиз Мусо Каромов билан давр муаммолари тўғрисида суҳбатлашиб ўтирибмиз. У газета учун бугун нима зарур эканлигини ҳис этади. Берилган топшириқларнинг моҳиятига етмагунча тиниб-тинчимайди, керак бўлса, кунига икки-уч бор телефон қилади. Унинг «Оқсарой нола чекади», «Ҳукм бекор бўлди», «Ўринбосар кимнинг ҳимоясида», «Шаҳар бедарвоза эмас», «Савдодаги ғавғолар» каби мақолалари жамоамиз ҳамда муштарийлар томонидан юксак баҳоланган.

«Дипломми ё малака», «Масъулият мавҳум тушунча эмас», «Сен менга тегма, мен сенга», «Меҳр заволи» каби жамоанинг юксак баҳосини олган мақолаларнинг муаллифи Самарқанд вилояти бўйича мухбиримиз Фармон Тошевдир.

Сурхондарё бўйича мухбиримиз Олимжон Усановнинг бизда ишлаётганига кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин у ўзининг етук журналист, масъулиятли ходим эканлигини кўрсатди. Мавзуларга янгича ёндашиш, уларни ўзига хос усулда таҳлил этиш унинг ижодига хос хислатдир. Мақолаларнинг сарлавҳаси ҳам «тошга тегмаган», эътибор беринг-а: «Жанжал», «Тақчилликнинг тўқмоғи», «Олма осмондан тушмайди», «Пуч уруғнинг ташвиши», «Ўз кунингни ўзинг кўрмасанг» ва бошқалар ўқувчи диққатини ўзига тортади.

Нусратилла Наимов — бухоролик мухбиримиз. «Дарвозага осилган қилич», «Арвоҳ урган сотувчилар», «Ишчи дардини кимга айтсин» каби жамоатчилик эътиборига тушган мақолаларнинг муаллифи. У изланувчан ва жиддий ижодий ходим...

Янги мавзулар, ижодий режалар, янги топшириқлар... Ҳаёт каби чексиз улар. Мухбирларимиз иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай, қор ёғаяптими, ёмғир қуяяптими — ҳар қандай шароитда ўз бурчларини фидойилик билан адо этиб, мустақилликка эришган, комил ишонч билан истиқлол сари илдам одимлаётган ўзбек диёрининг янги тарихини кунма-кун яратишдек муқаддас вазифани ўзлари учун катта шараф, буюк ишонч деб, сидқидилдан садоқат билан бажаришяпти.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ.

ШУНДАЙ ҲАМКАСБЛАР БОР БЎЛСИН!

Таъбир жоиз бўлса, тўрт бетли газета саҳифасини охирги тўкилмаган «очил дастурхон»га қиёс этиш ўринли. Уни яратиш йўлида қалб қўри, кўз нури, беминнат меҳнати билан умум ишига баракали ҳисса қўшаётган ҳамкасбларимиз ҳақида бир шингил ҳикоя қилиб бермоқчимиз.



Уз ишининг устаси — Азиз Обидов.

СЎЗ МАДАНИЯТИ СОҚЧИЛАРИ

Бу касб эгаларининг имзоси газета саҳифаларида кўринмаса-да, салмоқли меҳнатлари билан умум ишига баракали ҳисса қўшадилар.

Корректорлик — мусаҳҳиҳлик нозик касб. Қалам қоғозга туширган ижод маҳсулининг ўқувчига равон етиб боришида уларнинг ҳиссалари беқиёсдир.

Корректура бўлими ходимлари ҳаммадан илгари идорага келишади. Бугунги иш соати қанча давом этиши мумкинлиги ҳақидаги савол уларни асло-асло қизиқтирмайди. Шу кун мобайнида неча ўнлаб варақ мақолалар ўқилади, саҳифалар зийраклик билан кўздан кечирилади.

— Бўлимимизда ишнинг чегараси йўқдек туюлади, — ҳикоя қилади катта корректор Нигора Азимова. — Бизни «Сўз маданиятининг соқчилари» деб бежиз айтишмайди. Тилимиз бойлиги — сўз маънолари, тиниш белгилари, грамматикани мукаммал билишимиз талаб этилади. Елкадош ҳамкасбларимиз — Лаъли Йўлдошева, Маъсуда Ёқубоваларни жамоамиз аъзолари жуда ҳурмат қилишади.

Чиндан ҳам бу касб эгалари эртадан кечгача ҳарф санашади, жумлаларни такрор-такрор ўқишади. Уларнинг ўткир нигоҳлари туфайли газетанинг бехато чоп этилишига пойдевор қўйилади. Ҳарфлар сатрларга, сатрлар, саҳифаларга кўчади. Ҳисоб-китобларга кўра, газета саҳифаларидаги сатрлар қарийб тўрт минг йўлдан ошиб кетади. Бунчалик айтишга осон бўлган сатрларни ўқиб улгурувчи корректорлар меҳнатига тасанно айтмай иложингиз йўқ, албатта.

НАҚҚОШЛАР

Йигирма етти грамм — тўрт саҳифали газетанинг оғирлиги ана шунча. Саҳифалардаги ҳарфлар сони эса қанча? Улар қарийб 300 мингга етади. Аслидачи? Қушдек енгил газетани саҳифалаш учун озмунча металл сўзлар қаторларини жой-жойига қўйишнинг ўзи бўладими?

Бу саҳифаловчиларнинг меҳнати нақадар машаққатлигидан, айни чоғда шарафлилигидан далолатдир.

— Саҳифаловчи — газетанинг биринчи ўқувчисидир, — дейди моҳир саҳифаловчи уста Азиз Обидов. — Шундай бўлгач, турли ҳажмдаги мақолаларга сарлавҳаларни танлаб қўйиш, чизиқларни жойида ишлатиш нозиктаъбликни талаб этади. Сатрлар узра зийраклик ва чаққонлик билан ишлаш керак. «Ўзбекистон овози» газетасини саҳифаловчилар алоҳида мактаб яратишганлиги билан фахрланишади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Орифжон Иброҳимов, Мирзоҳид Миршаропов, Рифқат Гарипов сафига Қодир Қаюмов сингари умидли ёшлар келиб қўшилишди. Редакцияда бизларни «амалий санъат усталари» дейишади. Шу номга лойиқ бўлиш учун доимо ҳаракат қилаверамиз.

СЕҲРЛИ БАРМОҚЛАР ЁКИ ЗАҲМАТКАШ ҚИЗЛАР

Газетада чоп этиладиган мақолаларнинг муаллифидан сўнг иккинчи ўқувчиси машинисткаларидир. Редакциянинг машинка бюросида хотин-қизлар ишлаётганликлари учун ҳам хонада ўзгача бир кайфият кўзга ташланади. Газетага неча ўн йиллаб кўз нурини бахшида этган Гулсум Мингалиева, Марила Хўжаева, Насиба Турсунова, Солиҳа Раҳимова, Ёқутхон Холмуҳамедовларнинг меҳнатини эътироф этмасдан иложимиз йўқ. Ижодкор учун машинисткаларнинг қўлингиздаги ишингизни табассум билан олиб, ёзиб бўлганларидан сўнг уларнинг «Яхши мақола ёзибсиз» деган сўзларини эшитишдан зиёда мукофот йўқ.

Марила Хўжаева бир неча йил шу бўлимга мудирлик қилган. Машинкага қоғознинг қандай қўйилиши-ю, қай тарзда ёзиш, ходимлар билан ҳушмуомалада бўлиш, ҳатто қизларга одоб-аҳлоқда ҳам, оила юмушларидан ҳам тарбия берарди. У муносиб шогирдлар тайёрлади. Улар орасида Саодат Йўлдошева, Фароғат Низомова, Мая Обидова, Фарида Маҳмудова каби етук машинисткалар бор. Машинисткаларнинг масъулияти ҳам юқорида тилга олиб ўтилган касб эгалариникидан кам эмас. Чунки улар эътиборсизлик ёки арзимас хато қилсалар, бу мақолалар бир неча бор ўқилишига қарамай, ҳатто газета юзига ҳам чиқиб кетиши мумкин. Улар айни пайтда жуда чиройли ахборотлар, мақолалар, ҳикоялар ёзишади. Улар бир пайтлари шогирд эдилар. Ҳозир ўзлари устоз, мураббий. Жамоамиз сафига қўшилган Ҳабиба Юсупова, Фарида Валиева, Зулфия Қўчқоровалар редакциянинг машаққатли юкини енгиллатишмоқда.

...Газетанинг янги сони туғилмоқда. Ижодкорларнинг қайноқ қалби ишчиларнинг баракали меҳнати билан уйғунлашади. Демак, муштарий қўлига унинг қадрдон маслаҳатгўйи куёш нурларидек етиб бораётир. Шундай ҳамкасбларимизга доимо бор бўлинг, дегим келади.

Эркин ХЎЖАЕВ.

ШАМЧИРОҚ

Хоразм вилоят матбуот бошқармаси қошидаги «Хоразм» таҳририяти моҳир публицист, истеъдодли журналист Арслон Отажоновнинг очерк ва бадиий лавҳалардан иборат «Шамчироқ» рисоласини чоп этиб, кенг китобхонлар оммасини хушнуд қилди.

Рисоланинг дастлабки саҳифаларидан ўрин олган «Қўллар мўъжизаси» публицистикаси муаллифнинг кўзлаган мақсадини, тўплам руҳини ёркин акс эттиради. Унда таъкидланганидек, одам ҳуснисиз, бирон камчилик билан, ногирон туғилиши мумкин, аммо доно қалб амр этган қўл қудрати ва мўъжизаси билан бутун инсоният яратган саодатга ҳамроҳ бўлишга қодир.

Э. БЕКМЕТОВ,
тарих фанлари номзоди.

● БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ДУНЁ

КАТТА ШОВ-ШУВЛИ ТЎЙ

Кун чиқар мамлакатнинг аҳолиси ўз тарихида яна бир қувончли воқеанинг шоҳиди бўлиб турибди. Бугун бу мамлакат императори Акихито оиласида катта тўй ўтказилмоқда. Мамлакат ҳо қонининг тўнғич 33 ёшли ўғли Нарухито уйланмоқда. Япония миқёсида катта шов-шувли бу тўйга кўп ва узоқ тайёргарлик кўрилди. Айниқса, келин танлаш машақатли кечди. Куёвтўранинг талабларига мос келадиган қиз топиш учун кўп вақт сарфланди. Ниҳоят ақлда доно, ҳуснда тенги йўқ ва қадди-басти келишган 29 ёшли Массако бу бахтга муяссар бўлиб турибди.

Куёвбола Англиянинг Оксфорд университетини битирган, инглиз, француз ва рус тилларини билади. Келин эса Япония Ташқи ишлар вазирлигида етакчи мутахассис бўлиб ишлайди. Бу тўйга катта умид билан қаралаётганлигининг ўзига хос сабаби ҳам бор. Японияда императорлик лавозими шоҳсупаси олий ҳоқон оиласининг бош ўғли учун мерос ҳисобланади. Келгусида Нарухито император бўлиб сайланиши қонуний-дир. Келин эса унинг ҳақиқий маслаҳатгўйи ва умр йўлдоши яъни бизнинг тилимиз билан айтганда бибихоним даражасига эришади.

Келин ва куёвнинг никоҳ маросими ўқилиши учун ўта эҳтиёткорлик чоралари кўрилди. Никоҳ ўқиладиган сарой атрофини 30 минг полициячи қўриқлаган бўлса, уни икки юз мингдан зиёд томошабин кузатиб турди.

Ҳамма умидли ёш келин ва куёвга бахт-саодат, қўша-қўша фарзанд ва пиру-бадавлатлик тиламоқда.

Суратда: келин ва куёв.

Абдулла ПЎЛАТОВ.



● ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

СЎЛИМ ГЎША

Кўҳна диёр аҳли Шўркўл деб атайдиган бу маскан она-табиатнинг хорзмликларга бебаҳо эҳсони. У Янгиариқ туманининг асрий Қорақум барҳанлари билан туташ этакларида ястаниб ётибди. Йилнинг тўрт фаслида ҳам унинг ҳавоси дилга ором беради.

Сатҳи бир неча ўн километрни ташкил этадиган ва шу ном билан аталган каттакон кўл ҳам мовий тусда чайқалиб туради. Ер ости зах сувларидан пайдо бўлган бу кўлни хоразмликлар қадим-қадимдан Шўркўл деб аташади. У воҳанинг минглаб хонадонлари учун озиқ-овқат — балиқ, уй-жойларнинг пойдеворига қуйиш ва томини ёпишда асқотадиган қурилиш материали — екан-қамиш, чорва моллари учун ем-хашак манбаи ҳамда... сиҳатгоҳ вазифаларини ўтаган. Кўлнинг шифобахш балчиқларида бутун ёз бўйи минглаб беморлар табиат сеҳри билан даволаниб, дардларига шифо топишган. Бу ерга ҳар йили ёз фаслида Хоразмнинг узоқ-яқин жойларидангина эмас, ҳатто Туркманистоннинг Чоржўй, Дарғонота, Тошховуз, Мари сингари ҳудудларидан ҳам, Қорақалпоғистоннинг деярли барча овул ва қишлоқларидан ҳам минглаб кишилар шифо истаб келишган.

Бу ернинг ёз фаслидаги гавжум манзарасини биринчи ўзбек кинооператори, бу санъатни кўҳна воҳага 1908 йилдаёқ келтирган хоразм фарзанди Худойберган Деванов ўзининг «Шўркўл» ва «Тузкон» (1929) деб аталган кинолавҳаларида ёрқин тасвирлаб берган ва бу лавҳалар собиқ «Совкино» томонидан қабул қилиниб, мамлакат экранларида бир неча бор намойиш қилинган эди.

Шўркўлнинг бугунги манзараси қандай? Собиқ совет даврида, айниқса ўттизинчи йиллардаги қатағонликлардан кейин унга унчалик эътибор бермай қўйишди. Кўл соҳилида саноқли корхоналарнинг икки-учта, ўшанда ҳам деярлик ёшулилар учун қурилган ҳордиқ чиқариш жойларини ҳисобга олмаганда кенг жамоатчилик манфаатлари кўзланган қулайликлар яратилмади. Эл манфаатларини кўзлаб, барча шарт-шароитлар муҳайё қилинадиган орамгоҳлар бунёд этиш ишларига кейинги йиллардагина дастлабки қадамлар қўйилди. Янгиариқ тумани ҳокимлигининг бу сўлим гўшани ободонлаштириш, унинг соҳилларида янги дам олиш уйлари барпо этиш юзасидан бошлаган ташаббуси ва тадбирлар тизимини вилоят ҳокимлиги қўллаб-қувватлади.

Айни пайтда бу ҳудудда кенг кўламда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Айрим ташкилот ва корхоналарга қарашли ҳордиқ уйлари таъмирланиб, янги иморатлар ҳам қад ростламоқда. 170 ўринли санаторий бунёд этишга қарор қилинди. Сиҳатгоҳда дам олувчилар учун қулай маданий-маиший, тиббий ҳамда савдо-сотиқ хизмати мажмуи яратилиб, фойдаланишга топширилади. Шўркўл атрофларидаги бир пайтлар беморлар табиий равишда даволаниб юрган туз конларини қайта ҳаётга қайтариш ишларига олти миллион сўм маблағ ажратилди. Нархнаво беҳад ошиб, собиқ Иттифоқнинг узоқ шаҳарларидаги курортларга бориш мушкўл бўлиб қолган бир пайтда воҳада бундай хайрли ишга бел боғланганлиги диққатга сазовор ишдир.

Эркин МАДРАҲИМОВ.

● ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

САХОВАТЛИ ҚАЛБ ЎЛМАЙДИ

Ҳожи Муин Шукруллаев ўз юртдошлари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Сиддиқий-Ажзий, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Ҳамза, Сўфизода, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон ва Усмон Носир сингари маърифатнинг чинакам фидойиси бўлиб яшади.

Мухбирлик, шоирлик ва драматурглик фаолиятини биргаликда қўшиб олиб борди. Шеърий тўпламлар, пьесалар, публицистик мақолалар, дарслик-қўлланмалар яратди. Ҳожи Муин чор ҳукумати томонидан мардикорликка сафарбар этилди. Инқилобдан кейин савод чиқариб «Меҳнаткашлар овози» рўзномасида ишлади. «Таёқ» деган ҳажвий журнал чиқарди. «Зарафшон» газетасида фаолият кўрсатди. Умрининг охирида эса у «Қизил Юлдуз» ҳарбий рўзномасининг мухбири эди. Ҳожи Муин сталинча қатағоннинг қурбони бўлди ва сургунда вафот этди.

Самарқандликлар ўз юртдошининг 110 йиллигини муносиб нишонладилар. Ҳожи Муиннинг Салима исмли қизи ҳаёт. Ғафур Ғулом маҳалласида унинг номи билан аталувчи кўча бор. Ўзи яшаган ҳовли дарвозаси пештоқига мармар лавҳа ўрнатилган. Дорилфунун профессори Раҳим Муқумов, доцент Аслиддин Қамаров адиб адабий меросини тўплаб нашр қилиш устида ишламоқдалар.

Фармон ТОШЕВ.

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 18 июнда чиқади).

● ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ

АСКАР ЙИГИТЛАР ҲУЗУРИДА

Республика Мудофаа вазирлигининг Нукус шаҳридаги ҳарбий қисмида бир гуруҳ хивалик йигитлар ҳам хизмат қилиб, мустақил мамлакатимизда ўзларининг ватанпарварлик бурчларини намунали адо этишяпти.

Хива шаҳар ва тумани ҳокимининг ўринбосари Арслон Отажонов раҳбарлигидаги бир гуруҳ ота-оналар, оға-инилар, уруш фахрийлари яқинда ўша аскар йигитлар — ўз жигарбандлари ҳузурида бўлишди. Ватан уруши иштирокчиси, Хива тумани фахрийлар кенгаши раиси Маҳмуд Нурниёзов, аскарларнинг ота-оналари — Қадамбой Полвонов, Жуманазар Қутлимуродов, Ойбиби Абдуллаева, Гавҳаржон Ҳайитбоева ва бошқалар ўз жигарларининг ҳарбий қисмдаги ҳаёти, жанговар фаолияти билан яқиндан танишдилар. Қисм командири хивалик аскар йигитлар ҳақида уларнинг элдошлари ва туғишганларига миннатдорчилик билан ҳикоя қилиб берди.

А. САФОЕВ,
«Хива тонги» газетаси мухбири.

● ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ

ЎҒЛОНЛАР ҚАНДАЙ ХИЗМАТ ҚИЛИШЯПТИ?

Tabani GROUP OF COMPANIES

POLO

KING SIZE FILTER

Қуйидаги манзилга мурожаат этиб, бу ҳақда тўлиқ маълумот олиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Катта Миробод кўчаси, 158-уй (Ивлев, 67).

"Табани групп оф компаниз"


Ўзбекистон Республикасидаги савдо агентларимиз:

"Мунис" ЛТД,
"ХЕСО" ЛТД,
шунингдек
"ФРИЯ" фирмалари.


Факс. 54-08-30.
Телекс. 116416 TABANI SU

Телефон. 32-35-53,
54-06-70, 54-07-98,
55-35-49.

Муҳаммад АББОСХОН,
"Табани корпорейшн"-нинг Ўрта Осиёдаги ваколатхонаси Бош бошқарувчиси.



Чекиш соғлигингиз учун зараралидир!



МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:

Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Ижтимоий ҳаёт — 33-21-43, 32-53-16
Жиноятчиликка қарши кураш — 33-76-04, 32-26-70.
Вилоят мухбирлари — 33-12-16, 32-57-20.
Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16
«Осиё бозори» — 33-41-89, 32-55-70.
Котибият — 33-72-83, 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ:

Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-74-76;
Нукусда — 2-42-62;
Қаршида — 3-25-79;
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Термизда — 2-23-01;
Фарғонада — 6-37-16.

Навбатчи муҳаррир: Р. АҲМАДАЛИЕВ.

● Бирорта ҳам хат редакция эътиборидан четда қолмейди.
● Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
● Қўлёзмалар ҳажми чекланмайди.
● Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.

Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Хажми 2 босма табоқ, тиражи 166.770 нусха.
Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.00.
Г—274. № 110.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.

1 2 3 4 5 6.